



XALQ DEPUTATLARI NAVOIY VILOYATI KENGASHI Q A R O R I

210100, Navoiy sh., IslomKarimovsh.k 77 A, tel: (79) 229-62-80, e-mail: navoi@exat.uz, info@navoi.uz

2022 - yil 23 - iyun

VI-35-88-5-0-K/22

Navoiy viloyat hokimligi

Маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш юзасидан амалга оширилган ишлар муҳокамаси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-31-сонли қарорининг 19-бандига мувофиқ, Халқ қабулхоналари маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича келиб тушаётган мурожаатларни таҳлил қилган ҳолда, ҳоким ёрдамчилари фаолиятининг натижадорлигини ўрганиш, ўрганиш натижаларини халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида муҳокама қилиб бориш амалиётини йўлга қўйиш вазифалари белгиланган.

Ўрганиш натижасига кўра, ҳокимликлар томонидан ҳоким ёрдамчиларининг фаолият олиб боришлари учун етарли шарт-шароитлар яратилмаганлиги, айрим ҳоким ёрдамчиларининг самарадорлик кўрсаткичлари пастлиги, ўз вазифасига масъулиятсизлиги, фуқаролар билан мулоқотда хушмуомалада бўлмаслиги, мурожаатчиларни тўлиқ тингламаслиги ва муаммонинг ижобий ечимини топишга ҳаракат қилмаслиги ҳолатлари учрамоқда ва натижада уларнинг ҳатти-ҳаракатлари устидан фуқаролар томонидан норозилик мурожаатлари келиб тушмоқда.

Хусусан, Навоий ва Зарафшон шаҳарлари, Кармана, Учқудуқ ва Хатирчи туманларидаги айрим ҳоким ёрдамчиларининг иш фаолияти талаб даражасида ташкил этилмаганлиги аниқланди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига асосан, халқ депутатлари вилоят Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Навоий вилоятидаги Халқ

қабулхонаси мудирі Ф.Қувондиқовнинг Маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш юзасидан амалга оширилган ишлар муҳокамаси тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Навоий (М.Эгамқулов), Зарафшон (Н.Раҳманов) шаҳар ҳокимликларига:

Навоий шаҳри бўйича “Дўстлик”, “Олтин водий”, “Чинор”, “Ғалаба”, “Ҳаёт” Зарафшон шаҳри бўйича “Кончилар”, “Геолог” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳоким ёрдамчиларининг самарадорлик кўрсаткичлари паст эканлиги кўрсатиб ўтилсин;

уч кун муддатда юқори самарадорлик кўрсаткичларига эришиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва амалга ошириш чораларини кўрсин.

3. Кармана тумани ҳокимлиги (Ф.Умаров):

уч кун муддатда “Буюк ипак йўли” ва “Фарход” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳоким ёрдамчиларининг фаолиятини тўлиқ йўлга қўйсин;

бир кун муддатда “Янги ҳаёт” ва “Зиёкор” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳокими ёрдамчиларининг лавозимига тайинлаш тўғрисидаги буйруқларини чиқарсин;

“Арғун”, “Янгиариқ”, “Боғишамол”, “Наврўз” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳоким ёрдамчилари масъулиятини янада ошириш чораларини кўрсин.

4. Учқудуқ туман ҳокимлиги (С.Ҳамроев)га:

“Боздун”, “Кўкаяз” овул фуқаролар йиғинлари, “Дўстлик”, “Абай” ва “Айтим” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳоким ёрдамчиларининг самарадорлик кўрсаткичлари паст эканлиги кўрсатиб ўтилсин;

уч кун муддатда юқори самарадорлик кўрсаткичларига эришиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва амалга ошириш чораларини кўрсин.

5. Хатирчи туман ҳокимлиги (С.Низамов) тумандаги масъул ташкилотларнинг ва ижро интизомига масъул ходимларнинг аҳолидан тушаётган мурожаатлар билан ишлашда янада масъулиятини ошириш чораларини кўрсин.

6. Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг вилоят бошқармаси (Ш.Ҳамидов) иш фаолиятида яхши кўрсаткичларга эришаётган ҳоким ёрдамчиларининг тажрибасини ҳоким ёрдамчилари ўртасида кенг тарғиб қилишни ҳамда ҳоким ёрдамчиларининг билим савияларини ошириш ва қонунчиликдаги янги ўзгаришлардан хабардор бўлиб бориш мақсадида, тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда, доимий ўқув машғулоти ўтказишни йўлга қўйсин.

7. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати (Б.Пирнафасов), вилоят телерадиокompанияси (Ғ.Султонов) билан биргаликда вилоятдаги маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолияти тўғрисида маҳаллий оммавий ахборот воситаларида ёритиб боришни таъминласин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари в.б. (Т.Атамуродов) ва халқ депутатлари вилоят Кенгашининг суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича доимий комиссияси (Н.Тоғаева) зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси



Н.Турсунов.